iScience®

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 1(55)

Переяслав
2021

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

LV Международная научная конференция
26-27 января 2021 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

ВЫПУСК 1(55)

Переяслав

УДК 001 (082)
ББК 72я43
А43

**Главный редактор:**
Коцур В.П., доктор исторических наук, профессор, академик Национальной академии педагогических наук Украины

**Редколлегия:**

| | |
|---|---|
| **Базалук О.А.** | д-р филос. наук, професор (Украина) |
| **Доброскок И.И.** | д-р пед. наук, профессор (Украина) |
| **Кабакбаев С.Ж.** | д-р физ.-мат. наук, профессор (Казахстан) |
| **Мусабекова Г.Т.** | д-р пед. наук, профессор (Казахстан) |
| **Смырнов И.Г.** | д-р геогр. наук, профессор (Украина) |
| **Исак О.В.** | д-р социол. наук (Молдова) |
| **Лю Бинцян** | д-р искусствоведения (КНР) |
| **Тамулет В.Н.** | д-р ист. наук (Молдова) |
| **Брынза С.М.** | д-р юрид. наук, профессор (Молдова) |
| **Мартынюк Т.В.** | д-р искусствоведения (Украина) |
| **Тихон А.С.** | д-р мед. наук, доцент (Молдова) |
| **Горащенко А.Ю.** | д-р пед. наук, доцент (Молдова) |
| **Алиева-Кенгерли Г.Т.** | д-р филол. наук, профессор (Азербайджан) |
| **Айдосов А.А.** | д-р техн. наук, профессор (Казахстан) |
| **Лозова Т.М.** | д-р техн. наук, профессор (Украина) |
| **Сидоренко О.В.** | д-р техн. наук, профессор (Украина) |
| **Егиазарян А.К.** | д-р пед. наук, профессор (Армения) |
| **Алиев З.Г.** | д-р аграрных наук, профессор, академик (Азербайджан) |
| **Партоев К.** | д-р с.-х. наук, профессор (Таджикистан) |
| **Цибулько Л.Г.** | д-р пед. наук, доцент, профессор (Украина) |
| **Баймухамедов М.Ф.** | д-р техн. наук, профессор (Казахстан) |
| **Хеладзе Н.Д.** | канд. хим. наук (Грузия) |
| **Таласпаева Ж.С.** | канд. филол. наук, профессор (Казахстан) |
| **Чернов Б.О.** | канд. пед. наук, профессор (Украина) |
| **Мартынюк А.К.** | канд. искусствоведения (Украина) |
| **Воловык Л.М.** | канд. геогр. наук (Украина) |
| **Ковальська К.В.** | канд. ист. наук (Украина) |
| **Амрахов В.Т.** | канд. экон. наук, доцент (Азербайджан) |
| **Мкртчян К.Г.** | канд. техн. наук, доцент (Армения) |
| **Стати В.А.** | канд. юрид. наук, доцент (Молдова) |
| **Цибулько Г.Я.** | канд. пед. наук, доцент (Украина) |

Актуальные вызовы современной науки // Сб. научных трудов - Переяслав, 2021. - Вып. 1 (55) – 204 с.

**Языки издания:** українська, русский, english, deutsche, español, polski, беларуская, казақша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

Сборник предназначен для научных работников и преподавателей высших учебных заведений. Может использоваться в учебном процессе, в том числе в процессе обучения аспирантов, подготовки магистров и бакалавров в целях углубленного рассмотрения соответствующих проблем. Все статьи сборника прошли рецензирование, сохраняют авторскую редакцию, всю ответственность за содержание несут авторы.

УДК 001 (082)
ББК 72я43
А43

© NGO THE INSTITUTE FOR SOCIAL TRANSFORMATION, 2021
© Коллектив авторов, 2021

# СОДЕРЖАНИЕ

## СЕКЦИЯ: ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

**Akramov Mirzomazhar Obidovich (Tashkent, Uzbekistan)**
RISHTON AN`ANAVIY KULOLCHILIGIDA YANGICHA USLUB ................ 8
**Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна,**
**Турсунова Лайло Эргашевна (Фарғона, Узбекистан)**
ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСИҚАНИНГ РОЛИ ........................... 10
**Рахмонов Улуғбек Каримович, Эргашев Алижон Абдуллаевич (Фарғона, Узбекистан)**
ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-ИЖТИМОИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСИҚА САНЪАТИДА АЛЛОМАЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЎРНИ ............................................... 14
**Раҳимов Омаджон (Фарғона, Узбекистан)**
МУСИҚА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА АЙРИМ МУСИҚИЙ ТЕРМИНЛАР .......................................................... 17

## СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Abdusamadov Farrux Muzaffar o'g'li (Jizzax, O'zbekiston)**
SHAROF RASHIDOVNING HAYOT YO'LI ................................................ 21
**Курбанов Содик Солиевич (Ташкент, Узбекистан)**
ТАФТАЗОНИЙНИНГ КАШШОФГА ЁЗГАН ҲОШИЯСИ ........................... 23

## СЕКЦИЯ: КУЛЬТУРОЛОГИЯ

**Атабаева Шохида Жўраевна,**
**Абрормирзо Жўрамирзаев Анваржон ўғли (Фарғона, Узбекистан)**
ШАРҚДА АХЛОҚИЙ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ............................................................................ 27

## СЕКЦИЯ: МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ

**Жабборов О. О., Мадазимова Д. Х. (Ташкент, Узбекистан)**
ОСОБЕННОСТИ РЕМОДЕЛИРОВАНИЯ ЛЕВОГО ЖЕЛУДОЧКА ПРИ ХРОНИЧЕСКИЙ ПОЧЕЧНОЙ БОЛЕЗНИ У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНОСЩЫХ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ........................................................ 33
**Мадазимова Д. Х., Жаббаров О. О.,**
**Камариддиновна Д. Н. (Ташкент, Узбекистан)**
ОСОБЕННОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ ЛИПИДНОГО ОБМЕНА ПОКАЗАТЕЛИ КРОВИ У БОЛЬНЫХ С ДИАБЕТИЕСКОЙ НЕФРОПАТИИ ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНАВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ ............................... 34
**Назарова Н. О., Жаббаров О. О. (Ташкент, Узбекистан)**
ЧАСТОТА ДИСЛИПИДЕМИИ У БОЛЬНЫХ ВОЛЧАНОЧНЫМ НЕФРИТОМ ........................................................... 35
**Самадова Нигина Алишеровна, Маджидова Гулбахор Талибовна,**
**Муинова Камола Комиловна, Муроткобилов Озод Анварович,**
**Хайитов Исомиддин Икрамович (Самарканд, Узбекистан)**
КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИНФАРКТА МИОКАРДА У ПАЦИЕНТОВ МОЛОДОГО ВОЗРАСТА В УСЛОВИЯХ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНЫ............................................................ 37

**Ходжаев Негмат Исомович, Рахимова Шафоат Хакимовна (Самарканд, Узбекистан)**
МЕДИЦИНА САМАРКАНДА В ГОДЕ НЕЗАВИМИСТИ ........................... 41

## СЕКЦИЯ: НАУКИ О ЗЕМЛЕ

**Kamolov Elbek, Yusupov G'olib (Jizzax, O`zbekiston)**
QAROQCHITOG TABIIY RESURSLARI VA ULARDAN OQILONA FOYDALANISHNING GEOGRAFIK JIHATLARI........................................ 46

## СЕКЦИЯ: ПЕДАГОГИКА

**Abdullayeva Maxmuda Shukrillo qizi (Toshkent, O`zbekiston)**
TALABALARDA MULOQOT MADANIYATINI O`STIRISHGA YO`NALTIRILGAN TA`LIM SHAKLLARI ................................................ 49

**Sapayeva Nilufar Sultanovna (Tashkent, Uzbekistan)**
THE PRESTIGIOUS ROLE OF CARTOONS IN LANGUAGE EDUCATING AS WELL AS ACQUIRING............................................................... 51

**Xasanova Xurshida Naimovna (Tashkent, Uzbekistan)**
KIMYO DARSLARINING SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AXBOROT TA’LIM RESURSLARIDAN FOYDALANISH ............................ 55

**Акбарова Нигорахон Ахмаджоновна (Фарғона, Узбекистан)**
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ ........................................................................................ 57

**Алфайзов Салохиддин (Чирчиқ, Узбекистан)**
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕНИЖЕРЛИК КОМПЕТЕНТСИЯСИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ................................................ 59

**Артикова Наргиз Шухратовна (Чирчиқ, Узбекистан)**
ЎҚУВЧИЛАРДА ЎҚИШ ВА МАТННИ ТУШУНИШ САВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.......................................................................... 63

**Жуманова Фотима Ўраловна (Чирчиқ, Узбекистан)**
ИНСОННИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ, УНИНГ ХУСН ВА ОДОБ РАМЗИДИР ........................................................................................ 67

**Махмудов Мухаммадяхёхон Махамматхон ўғли (Ташкент, Узбекистан)**
ИМОМ АБДУЛҲАЙ ЛАКНАВИЙНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ ҲАҚИДА....... 73

**Медведєва Юлія Вікторівна, Манжос Артур Ігорович (Харків, Україна)**
ОСОБЛИВОСТІ ІНФОРМАТИЗАЦІЇ КОНТРОЛЮ ЗНАНЬ ЗДОБУВАЧІВ У ГАЛУЗІ АГРАРНИХ НАУК............................................................. 75

**Мусабекова Г. Т. (Туркестан, Казахстан)**
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ................................................ 78

**Носирова Тилложон Ҳайитбоева (Чирчиқ, Узбекистан)**
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯ БЕРИШДА АЛЛАНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ........................................................ 83

**Худойқулов Хол Жумаевич (Ташкент, Узбекистан)**
МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ ҲАР БИР ИНСОННИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР ............................................................................ 89

**To’xtanazarov Ilhom Ibragimjanovich,
Xasanov Nurmuhammad Xaydarali o’g’li,
Yusufjonov Quyoshbek Komiljon o’g’li (Farg’ona, O`zbekiston)**
MILLIY ISTIQLOL G‘OYASI ASOSIDA VATANPARVARLIK ...................... 94

## СЕКЦИЯ: ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Пармонов Алибой Эргашович, Гуламов Абобакир Илхомжон угли (Ташкент, Узбекистан)**
ЛИЧНОСТЬ В СИСТЕМЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ...... 97

## СЕКЦИЯ: СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО

**Medvedeva Yuliia, Rasoyan Isak (Kharkiv, Ukraine)**
URBAN AGRICULTURE IS ONE OF THE WAYS OF SOLVING
THE FOOD SECURITY PROBLEM ........................................................ 101
**Yuldasheva Sh.Q., Asqarova M.U., To’ychiyeva X.
(Farg'ona, O’zbekiston)**
SABZAVOT EKINLARINING AYRIM ZARARKUNANDALARI
VA ULARGA QARSHI KURASHISH CHORALARI .................................... 103
**Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна,
Ҳамдамов Кимсанбой Қўзиевич,
Хамдамова Барнохон (Андижон, Узбекистан)**
МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ХИМОЯ
ҚИЛИШДА МИКРОБИОЛОГИК УСУЛНИНГ АҲАМИЯТИ......................... 106

## СЕКЦИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

**Ахмедов Икромали, Ахматов Хумойун Боборайим угли
(Ташкент, Узбекистан)**
ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ ПОЛЬЗОВАНИЕМ
ИНФОРМАЦИОННЫМИ ТЕХНОЛОГИЯМИ .......................................... 109
**Пармонов Алибой Эргашович, Азимбоева Шахло Булатовна
(Ташкент, Узбекистан)**
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЪЛИМ
САМАРАДОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИДИР ....................... 111

## СЕКЦИЯ: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Бурамбаева Н. А, Сейтхан А., Төкен А. (Нұр-Сұлтан, Қазақстан)**
РАДИОЭЛЕКТРОНДЫҚ АППАРАТУРАНЫ ӨНДІРУ
ТЕХНОЛОГИЯСЫНЫҢ НЕГІЗДЕРІ ...................................................... 115
**Даулетмуратова Роза Алламбергеновна,
Мэлсова Дилнора Амангелдиевна (Нукус, Узбекистан)**
ОПТИМАЛЬНОЕ ОЦЕНИВАНИЕ НЕЧЕТКИХ МОДЕЛЕЙ ЗНАНИЙ
ОПЕРАТОРОВ ИУС ДИХОТОМИЧЕСКИМИ ТЕСТАМИ......................... 126
**Зулфиқоров М. У., Лутфуллаев С. Ш. (Қарши, Узбекистан)**
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕРЛАР УЧУН ҚЎРҒОШИНЛИ
СТАБИЛИЗАТОРЛАР ......................................................................... 131

**Кулмирзаева Ф. Т., Ахмедова А. А.,**
**Мухамедов Г. В., Хидирова З. У., (Карши, Узбекистан),**
**Тешабаева Э. У. (Ташкент, Узбекистан)**
ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИЕ СОЙСТВА РЕЗИН
НАПОЛНЕННЫХ АНГРЕНСКИМ КАОЛИНОМ........................................ 133
**Қаноатов Х., Воққосов Зуҳриддин Камолхон ўғли**
**(Наманган, Узбекистан)**
МАҲАЛЛИЙ ШАРБАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИККИЛАМЧИ
ХОМ АШЁЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ........................................................................................ 135
**Ражабова М. Р., Ахмаджанов С. А., Вапаев М. Д.,**
**Тешабаева Э. У., Мухамедов Г. В. (Ташкент, Узбекистан)**
ОСОБЕННОСТИ УСИЛИВАЮЩИХ ДЕЙСТВИЙ КАРАКАЛПАСКОГО
БЕНТОНИТА В РЕЗИНОВЫХ СМЕСЯХ НА ОСНОВЕ БУТАДИЕН-
СТИРОЛЬНЫХ КАУЧУКОВ.................................................................... 140
**Хўжаева Р. С., Лутфуллаев С. Ш. (Қарши, Узбекистан)**
ТЎЛДИРИЛГАН ПВХ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
ЭЛЕКТР ВА ОПТИК ХОССАЛАРИ......................................................... 142

## СЕКЦИЯ: ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Элмуротова Дилноза Бахтиеровна,**
**Бобожонов Бахтиер Аллаярович,**
**Чариева Гулжахон Юлдашевна (Тошкент, Узбекистан)**
ВЛИЯНИЕ ПРОТОННОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ
СВОЙСТВА НАНОГЕТЕРОСТРУКТУР ZnSe/ZnO:O И
НАНОГЕТЕРОПЕРЕХОДОВ ZnSe/ZnO:O,Zn ........................................ 145

## СЕКЦИЯ: ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ

**Утемисов Аскарбек Оразымбетович,**
**Базарбаев Искендер Иркинович, Усанова Мохинур Комилжон кизи,**
**Искендеров Тимур Конысбаевич (Нукус, Узбекистан)**
ПРИЕМЫ И ТЕХНИКА ИГРЫ В ЭЛЕМЕНТАРНЫЙ ФУТБОЛ ................. 152
**Утемисов Аскарбек Оразымбетович,**
**Базарбаев Искендер Иркинович,**
**Усанова Моҳинур Комилжон қизи (Нукус, Ўзбекистон)**
СПОРТЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ БЎЙИЧА
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНИНГ КЛАССИ ФИКАЦИЯСИ ВА
ТАҲЛИЛИ ............................................................................................. 154

## СЕКЦИЯ: ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Djumaeva Nozima Djurabayevna (Bukhara, Uzbekistan)**
THE NOTION OF MAGICAL RING IN ENGLISH AND UZBEK
FAIRY TALES.......................................................................................... 158
**Ergasheva Khulkaroy (Fergana, Uzbekistan)**
COMPARATIVE ANALYSIS OF SPECIFIC, LINGUISTIC
AND ENCYCLOPEDIC DICTIONARIES ................................................ 160
**G‘aniyeva Gulchehra Karshibayevna (Toshkent, Uzbekistan)**
"SADDI ISKANDARIY" VA "SAB’AI SAYYOR" ........................................ 162

**Karimov Islombek Yaxyoitdin o‘g‘li (Farg’ona, Uzbekistan)**
ALISHER NAVOIYNING “MAHBUB UL-QULUB” ASARIDA INSON VA UNING KAMOLOTI ........ 163
**Ma'murova Mahbuba Abduhakimovna (Buxoro, Uzbekistan)**
ALIMOV G‘ULOM AMINJONOVICH ........ 167
**Sagdullayeva Feruza Farrux qizi, Usarov I. K. (Tashkent, Uzbekistan)**
SEMANTIC POINTS OF USING HYPERBOLE STYLISTIC DEVICE ........ 168
**Sapayeva Mohinur Otaxon qizi, Madaminova Gulasal Jasurbekovna (Urgench, Uzbekistan)**
THE USEFUL WORDS WE NEED IN ENGLISH ........ 172
**Umarov Umidjon Akram o'gli (Bukhara, Uzbekistan)**
REALISM ELEMENTS IN THE NOVEL"A FAREWELL TO ARMS" BY ERNEST HEMINGWAY ........ 174
**Ахмедова Азиза Абдуллоевна (Бухара, Узбекистан)**
ПРИНЦИПЫ ОБУЧЕНИЯ ГРАММАТИКЕ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ ........ 178
**Дабылов А. П. (Нукус, Ўзбекистон)**
ШАЙЫРДЫҢ КӨРКЕМЛИК ДҮНЬЯСЫ (СЕЙДАБУЛЛА ПИРЖАНОВТЫҢ ДӨРЕТИЎШИЛИГИ МЫСАЛЫНДА) ........ 180
**Мўйдинов Пахловон Қахрамонович (Ташкент, Узбекистан)**
ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ МОХИЯТИ ВА ТУРЛАРИ ........ 182
**Шукурова Мадина Аскаровна (Бухара, Узбекистан)**
АНАЛИЗ СЕМАНТИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА И ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ СПЕЦИФИКИ ТЕРМИНОВ ЭТИКИ ПЕРИОДА РЕНЕССАНСА ........ 185

## СЕКЦИЯ: ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ

**Аҳмедов Ижод Нарзиқул ўғли (Жиззах, Ўзбекистон)**
ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ҚОНУНИЯТ СИФАТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ ........ 190

## СЕКЦИЯ: ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

**G'afurova Maftuna Begali qizi (Tashkent, Uzbekistan)**
DAVLAT ISHTIROKINI KAMAYTIRISH ASOSIDA AKSIYADORLIK JAMIYATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI ........ 195
**Usmonov Bekzod Qaxramonovich (Tashkent, Uzbekistan)**
AKSIYADORLIK JAMIYATLARINI MODERNIZATSIYALASH VA IQTISODIYOTNI DIVERSIFIKATSIYALASHDA KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI TATBIQ ETISH ........ 197

## СЕКЦИЯ: ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Toqsanbaeva Ayjamal Mangitbay qizi (Nukus, O’zbekiston)**
SOLIQLARNING PAYDO BO’LISH TARIXI ........ 201

ИНФОРМАЦИЯ О СЛЕДУЮЩЕЙ КОНФЕРЕНЦИИ ........ 203

Хулоса қилиб айтиш мумкинки олинган янги материалларидан махсус курс ва семинарлар ўтиш жараёнида, малака ошириш курсларида унумли фойдаланса бўлади.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Электрон манба: lex.uz/docs/3412785.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 997-сонли қарори. – Электрон манба: lex.uz/docs/4097073.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. – Т., 2020.
4. С. Матчонов ва бошқалар. Бошланғич синф ўқиш дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш. -Т., “Янгийўл полиграф сервис”, 2008.
5. Қосимова Қ ва бошқалар. 2-синфда она тили дарслари. -Т., “Чўлпон”, 2008.
6. Маъқулова В ва бошқалар Синфдан ташқари ўқиш машғулотлари. -Т., “Ўқитувчи”, 1997.
7. Умарова М, Ҳакимова Ш. Ўқиш дарслари. -Т., “Чўлпон”, 2008.
8. Ғуломова Х ва бошқалар 4-синфда она тили дарслари. Т., “Ўқитувчи”, 2003.
9. Матчонов С., Ғуломова Х. Ҳикоя қандай ўтилади?! // “Бошланғич таълим” журнали.- Т., 2004. - №6. 26-27-бетлар.
10. Абдуллаева Қ. ва бошқалар. Бошланғич мактаб дарсликларини яратиш мезонлари. -Т., “Ўқитувчи”, 2014.

**Жуманова Фотима Ўраловна**
**(Чирчиқ, Узбекистан)**

## ИНСОННИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ, УНИНГ ХУСН ВА ОДОБ РАМЗИДИР

***Аннотация:*** *Мақолада миллатимизга хос ва Шарқона кийиниш одоби ҳақида сўз юритилади. Кийим кийганда ёшларнинг хуснига янада хусн қўшилади, дид-фаросат билан, ўзининг ёшига мос, тартибли кийим кийганда инсон хусни ва одоби яққол кўзга ташланади. Миллийлик эътиборга олиниб ораста, озода, қадди-қоматига мос кийим кийганда ёшларнинг маданияти намоён бўлади. Мақола мазмунида инсоннинг ташқи кўриниши,кийиниш маданияти, хусн ва одоб рамзи сифатида очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Миллатнинг кийиниши, табиатига мос кийиниш, жумладан чопон, яхтак, атлас ва ҳоказо, кийиниш маданияти, кийиниш одоби кишиларнинг ўзаро муомаласига, бир-бирига бўлган муносабатига, юриш-туриши, қизлар, аёллар кийимлари, ақл-фаросатли бўлиши, маънавий бақувват бўлиши, кийинишига эътибор.*

**«Кийиминг жанда бўлса ҳам, ганда бўлмасин.» (Мақол)**

Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам ўз

навбатида фарзандлар ифтихор қилишга лойиқ кишилар бўлмоғи даркор. Чуқур ўйлаб кўрилса, Шарқ фалсафасинивг мазмуни ҳам шундан иборат.

Зеро, Шарқона фалсафий одоб инсон маънавиятини гўзаллаштириб, унинг қадр-қимматини юқори кўтарувчи омил ҳисобланади. Одобли инсон ҳар доим халқ ичида эъзозлидир. Одобли боланинг таълим-тарбияси ҳам одобли бўлади. Мана шу одоб ахлоқ, панд-насихат ва ўгитлар асрлар оша авлоддан-авлодга, ўтиб борувчи умрбоқий маънавий бойлигимиздир. Бизнинг миллий Шарқона одобимиз инсониятнинг орзу истак, эзгу ниятидан келиб чиққан бўлиб, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этади. Уларда халқпарварлик, маърифатпарварлик, халоллик, ростгўйлик, сахийлик каби инсоний хислатлар тарғиб қилинса, худбинлик, уғирлик, эгрилик, бахиллик, ялқовлик, жахолат, жохиллик доимо қораланиб, фош этилади. Бугунги кунда буюк бобокалонларимиз Фаробий, ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Низомий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобур каби ажойиб алломаларимизнинг бизга қолдирган ўлмас табаррук асарлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жалолиддин Румий шундай дейди: "Беадабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказади. Ҳар ким адабсизлик йўлига қадам қўйса, қайғу-хасрат ўтида ёнади". Бу табаррук насиҳат бекорга айтилмаган. Шарқ алломалари одоб-ахлоқ ҳақидаги ўз ўгитларида: "Агар номинг халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истасанг, оилангнинг доимий рохатини кўзласанг, болаларга гўзал тарбия бер, бирон хунар эгаси қилиб етиштир. Уларнинг юриш-туришларини текшириб тур. Ёмон одамлардан узоқ бўлсинлар, яхшилар билан сухбатдош бўлиб, улардан бахра олсинлар", деб таълим берадилар. Бир донишманддан сўрабдилар:

- Одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг гўзали қандай кийим?
- Донишманд жавоб берибди:
- Одам учун ярашадиган энг гўзал кийим бу ахлоқ-одоб кийимидир. Киши қиёфасини безайдиган, унинг хуснига-хусн қўшадиган бундан ортиқ гўзал кийимни топиш қийин.

Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-мухаббат, ватанпарварлик каби ноёб инсоний фазилатлар қанчалик авайлаб-асралса, ҳаётга кенг тарғиб этилса, инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти шунчалик кучайиб такомиллашиб боради.

Ёшликнинг, болаликнинг ўзи гўзалликдир. Кийим кийганда ёшларнинг хуснига янада хусн қўшилади. Дид-фаросат билан, ўзининг ёшига мос, тартибли кийим кийганда одоб яққол кўзга ташланади. Миллий хусусиятлар эътиборга олиниб ораста, озода, қадди-қоматига мос кийим кийганда ёшларнинг маданиятлари намоён бўлади. Ҳар бир миллатнинг кийиниши яшаб турган жойининг табиатига ҳам мослашиб кетганлигини яхши биламиз. Бундан ташқари ҳар бир миллатнинг ўзи фахрланиб киядиган миллий кийимлари мавжуд. Жумладан чопон, яхтак, атлас ва ҳоказо. Кийиниш маданияти, кийиниш одоби кишиларнинг ўзаро муомаласига, бир-бирига бўлган муносабатига, юриш-туришига ҳам таъсир қилади.

Инсон туғилишидан бошлаб йўргакланади. Иўргакка кирган дастлабки кунлариданоқ кийина бошлайди. Боланинг диди ана шу кундан бошлаб шакллана боради. Негаки она болани яхши ювинтириб, ювиб дазмолланган

кийимни кийдирса, тоза ҳавода сайр қилдирса, болани бадани тоза кийимга ўрганади. Чақалоқ онанинг, катталарнинг кийим алмаштириш, чўмилтириш даврида, танасини гўё ишонгандек, хотиржам топшириб, шу одобга ўргана боради. Бола чақалоқлигидан 6-7 ёнгагача ота-она ихтиёри билан кийинади. Кейинчалик эса, ота-онасига тақлид қилиб кийина бошлайди. Болани кийинтириш ота-онанинг вазифаси.

Кийим-кечакларни уйда киядиган, мактабга борганда киядигап кийимлар, меҳмонга борганда ва меҳмон келганда киядиган, тўй иа маросимларга борганда киядиган кийимлар, жамоа жойларга борганда (кинотеатр) киядиган кийимлар каби турларга ажратиб кийинган маъқул бўлади. Инсон ўз ақл-идроки, одоб-ахлоқи билан гўзал бўлиши лозим. Буни болаликдан тарбиялаб бориш керак. Бу ишга ота-она ва мактаб масъулиятлидир.

Ўқувчилар мактабга борганда мактаб кийимида боргани яхши. Чунки, мактаб кийими ўқувчи, болалар ёшига, фаслга қараб тайёрланган бўлади. Ўқувчи ёшлар болаликда болаларча кийиниши лозим. Катта бўлгач, бошқа турли-туман кийймларни кийиши мумкин. Мактаб кийими тартиб-интизомга, одоблиликка ундайди. Сафарга борганда оддий, қулай, ғижимланмайдиган, юриш-туриш ва ёғин-сочинларга мосланган кийим кийиш керак. Сафар учун ўғил болалар ва қиз болалар ўзлари учун қулай кийим хозирлашлари лозим.

Бемор холини сўраб борганда нихоятда эхтиёт бўлиш лозим. Бундай ҳолатда байрамона кийиниб, тақинчоқлар тақиб бормаслик керак, кўнгил кўтармоқчи бўлиб хохолаб кулиб юбормаслик керак.

Таъзия маракаларга борганда эса яна ҳам хушёр бўлиш зарур. Демак, болалар уйда, ошхонада, туғилган кунларда, турли учрашув кечаларида, ўртоқларидан кўнгил сўраб борганда ўзига яраша кийиниш керак. Оилада туғилган кун ўтказганда ҳам дид билан ўзига яраша кийиниш керак.

Кийиниш одоби деганда халқимизнинг урф-одатларини унутмаслик керак. Халқимизда «Кийган тўнинг эскирар, кийдирганинг эскирмас» деган нақл бор. Баъзи одам либосига, кийимига, зийнатига оро берадию, аммо ўзининг гап-сўзида бирор маъно, юриш-туришида одоб-ахлоқ кўринмайди. Шундайларга қарата: «кийиминга, ташқи кўринишинга зеб бергунча, одоб билан сўзлашни, юриш-туришни, кишилар билан жавоб муомала қилишни ўрган», дегииг келади.

Кийиниш шахснинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳамма вақт гўзаллик, уйғунлик, нозиклик, одоб, хушмуомилалик ҳақидаги тушунча даражасининг белгисидир. Кишиларнинг юриш-туриши, кийиниши орқали унинг ким эканлиги, касб-кори, одоб-ахлоқи, маданияти, намаён бўлади.

Дасмак, болалар ўзининг ёшига, қадди-қоматига мос тушадиган дид-фаросат билан ўзига ярашадиган, шунинг билан бирга бошқалар олдида кулги бўлмайдиган, озода кийимларни кийишлари керак экан. Дид-фаросатлилик, ўзини тута билишлик, тарбиялилик аломати ҳисобланади. Кишининг ташқи қиёфаси кишининг ички маънавий дунёсини ифодалайди. Инсоннинг қай даражада маданиятлилиги, тарбиялилиги, одоблилиги унинг кийинишида, юриш туришида, ташқи қиёфасида намоён бўлади. Кўча-кўйда, уйда, одамлар орасида, мактабда, жамоат жойларида, кино, театр, сафарда нотаниш кишиларни кўрар эканмиз, уларнинг аввало ташқи қиёфасига назар солиб улар

ҳақида фикр мулохаза қиламиз. Одобли, тарбияли кишилар ҳар доим қаерда, қандай кийим кийиши, қандай қадам ташлаш, ўзини қандай тутишини билишлари лозим.

Бежирим, оддий кийиниш одоб сақлашликдир. Қўлини атайлаб меҳнатдан эхтиёт қилувчи узун-узун тирноқлар қўйувчи, упа-эликка хаддан ташқари берилиб кетган кишиларни эл-юрт ёқтирмайди. Кийиниш, юриш-туришда халқлар ўз миллий ахлоқ-одоби, миллий хусусиятлар асосида яратилган миллий кийимларни кийишни эсдан чиҳармаслик керак. Миллийлик ўз хусусиятини кўрсатиб туриши лозим. Кийим бошда ўзини тута билиш кўникмалари, дид ва одаб билан тўғри йўлни топиб олиш, гўзаллик тўғрисида тўғри тушунча ҳосил қилиш билан белгиланади. Нимани гўзал дейиш мумкин?

Кимни гўзал дейиш тўғри? Баъзи йигит ва қизлар ясама гўзаллик билан ўзларини хунук қилиб қўядилар, улар ҳақиқий гўзаллик юзнинг табиий латофатида, соддагина ва хуш бичим кийимда чуқур маънавий гўзалликда эканини унутиб қўядилар. Демак маънавий гўзаллик биринчи ўринда турар экан, ёшлар ўз хуснларига хусн кўшадиган яхши фазилатларга эга бўлиш учуи ҳаракат қилишлари керак. Инсоннинг ташқи гўзаллиги кийимларнинг рангларининг бир-бирига мослигидир, табиийлиги ва соддалигидадир. Хушбичим, чиройли кийинишнинг маъноси нимада? Кўзга ташланмайдиган ҳамда кишига табиий гўзаллик берадиган ва унинг айрим камчиликларини билинтирмайдиган уст-бош, чиройли, хушбичим, гавдага, ёшига ва фаслга мос кийим кийишдир.

Ўзини тута билиш яхши одатлардандир. Лекин буни ҳамма ҳам тўғри англаб амал қилавермайди. Ўзини тута билмайдиган кишилар бошқаларнинг ғашига, асабига тегадилар. Масалан кўчада икки киши ўзаро гаплашиб турган бўлса, учинчи киши келиб унга зарур гапи бўлмасада, улар суҳбатини бўлган ҳолда, безрайиб тураверса бундай қилиқли одамга нисбатан «ошта тушган пашша» ибораси ишлатилади. Бунинг устига у «кечирасизлар мен сизга халақит бермадимми?» деб энса қотиради. Ўзини бундай тутиш ўта тарбиясизликдир.

Одобли, тарбияли одам қаерда ва қандай холатда бўлишидан қатъий назар доимо ўзинииг ҳатти-ҳаракатларида, одат ва қилиғида соддалик ва камтарлилик, табиийлик ва мақсадга мувофиқлигини намойиш этади. Кишиларнинг маданияти ташқи қиёфасида, ўзини тута билишида, юриш туришида ҳам кўриниши лозим.

Ростгўй, самимий, ўзига талабчан киши ташқи кўринишида, бутун қиёфасида сунъийлик, қалбакиликка хос бирон бемаъниликка йўл қўймайдиган қилиб кийинишга, ўзини тутишга ва юришга ҳаракат қилади. Баъзи ёшларда учрайдиган бузуқ дид, аввало, ўзини бебахо қилиб кўрсатиш, ҳаммани хайратда қолдириш, ўзининг ҳақиқий кўринишидан тамомила бошқача кўринишга интилишдан келиб чиқади. Яхши дидли киши хамиша ҳақиқий қиёфасини сақлаб қолади, унинг сўзи билан иши бир бўлади. Одатда яхши дид юксак маданиятли кишига хос хусусиятдир.

Қимматбахо Кийим-кечак, кийиш ва зеб-зийнатлар тақиш билан кишиларнинг қадру-қиймати ошмайди, унинг қадри-қиймати билим, хунар ва одоблилигидадир. Бу ҳақда устозлар шундай дейди:

Одамнинг қиймати эмас сими зар,

Одамнинг қиймати билим ва хунар.

Доно ўзбек халқи «Онангни отанга бепардоз кўрсатма» дейди. Бунинг маъноси шуки инсон доимо ўзига қараб юриши, озода, бежирим, дид билан ўзининг ёшига, қадди-қоматига, фаслга хос кийим кийиб, соч ва тирноқларини ораста, тартибли қилиб юриш шарт демакдир. Кийим кийиш, юриш-туриш, пардоз-андозда пала-партишлик, шошма-шошарлик, хафсаласизликка йўл қўймаслик керак. Ўзбек миллий урф одатлари, анъаналари асосида кийиниш, пардоз-андоз қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўғил болалар, эркакларнинг ҳар доим сипо, оғир, вазминлик билам рухан кўтарувчи костюм, кўйлак, шим кийишлари маъқулдир. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Вохидов ўзининг машҳур «Ўзбегим» шеърида:

Қайга бормай, бошда дўппим,
Шухратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган,

Ўзбекистон, ўзбегим. -деб куйлаганда, ўзбек халқининг миллий бош кийими дўппи ва бу орқали ўзбекларнинг машҳур бўлиб, шухрати оламга етганини мадх этган. Қадим-қадимда дўппи кийиш одат бўлган. Дунёнинг қайжойида дўппили кишини кўришса, албатта, «Сиз Ўзбекистонданмисиз, ўзбекмисиз?» дейишади. Ўзбекнинг ўз дўпписи ва хонатласи билан ҳамма танийди. Лекин дўппи, хонатлас кўйлакларни ўз ўрни, ўз жойида кийиши лозим.

Таъзия маракаларда дўппи, чопон, кийилиб, белбоғлар боғланади. Бу маъракаларда одам ўзини оғир, вазмин, жиддий тутиши ва шу билан бирга, Қуръон оятларидан кичик бўлагини ўқий билиши ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, ёшлар кейинги йилларда чет эл кийимларини кийишга ўрганиб қолганлар. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган, ҳар бир республика мустақил бўлиб яшаётган бир вақтда хорижий мамлакатлар кийимларига ружу қўймаслик керак. Ўз диёримизда ишлаб чиқилаётган кийим-кечаклар сифати ҳам яхшиланмоқда, миллий Рух ҳам сезилиб туради. Шундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қиз болалар мактабда ўқиб юрганларида пардоз-андоз қилишлари шарт эмас. Улар озода, дид-фаросат билан ўзларига мос кийим кийиб юришлари, қош-кўзлари, тирноқларини бўямасликлари керак. Ахир болаликнинг ўз гашти, ўз соддалиги, самимийлиги борку. Илгари келин танланганда бепардоз қизни танлашарди. Чунки бепардоз қизда ҳаё, андиша бўларди. Қош, лаб, кўз, тирноқлар бўяшга кетадиган вақтни бичиш-тикиш ва турли хил пишириқлар пазандачиликни ўрганишга сарф этилса, фойдали бўлади.

Тўйларда, байрамларда очиқ, ранг-бараиг, чиройли кийимлар кийилади. Таъзия маъракаларда одми, сипо кийим кийилади. Бироқ ҳар иккала холатда ҳам сариқ, сап-сариқ рангдаги либослар маъқул эмас. Чунки сариқ ранг кўз учун ҳам яхши **эмас.** Кўпроқ бу ранг фироқ айрилиқ ифодасини билдиради.

Демак, оқ кийим кийган яхши, у озодалик ва улуғлик рамзидир. А.Навоий ўзининг «Махбубул қулуб» асарида кийиниш ҳақида қуйидагича ёзади:

**«Эркакларни ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо, бу каби безанмоқ иккаласи учун номуносиб, хусусан эркаклар учун кўпроқ шармандалик.**

**Барча ўзини кўрсатиш, безаниш касалига учраган, бу эса уларнинг ўзларига ёқимли туйилишдан далолат беради»** Худди шундай:

**«Ўзига биио қўйган одам - ақлсиздир, ўзига зеб берган-беор,сатангдир»**

Демак, айниқса эркаклар, ўғил болалар ўзларига хаддан ташҳари зеб бермай оддий, содда ва камтарона кийинишга ўрганиши лозим.

Қизлар хатто байрам кунлари, тўйларда тирноқлари, лабларини қип-қизил қилиб бўямасликлари керак. Кишининг ташқи кўриниши ўзини тутиши, юриш-туриши унинг ёшига мос бўлиши керак. Тўйда болалар кийиши учун тайёрлаб қўйилган энг яхши чиройли кийимларини кийишлари лозим. Ўғил-қизлар одоб сақлаб чой, овқат ташиш, идиш-товоқларни ювиш каби ишларда тўй эгасига ёрдам беришлари мумкин. Шунингдек ёқимли куй ва қўшиқларга рақсга тушишлари мумкин. Кийимлари уларга мос ва қулай бўлиши керак.

Кийимни озода ва ораста тутиш яхши. Халқимизда шундай мақол бор: «Кийиминг жанда бўлса ҳам, ганда бўлмасин». Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам камтарона кийимда анча башанг кийинганларга қараганда зеборoқ кўринадилар. Кийим кечакни кия билиш, кийиниш одобига риоя қилиш - бу азалий ҳақиқат. Зеболик учун кийимларнинг орасталигига, озодалигига, бир-бирига мос тушушига эътибор бериш лозим. Устки кийим-кечак эмас, балки ички кийим ва пойабзал ҳам тартибга солинган бўлиши керак. Чанг босган, лойдан тозаланмаган, қийшайиб кетган пойабзал кийган шахс кишида ёмон таасурот қолдиради. Тугмалари узулиб кетган, доғ тушган ёки бирор ери тешилган, йиртилган кийимда юриш жуда уят. Одобли, ахлоқли, ақл-заковатли, камтарин инсонлар ҳеч қачон кийимга, ялтир-юртирга, модага, чет эл кийимларига ружу қўймайдилар. Ўзининг дид-фаросати, ақл-идроки ва маблағига яраша оддий, озода, ихчам, хушбичим, шу билан бирга ҳар бир фаслга мослаб кийинадилар, кийимларни асраб-авайлайдилар.

Бобокалонимиз шоир А. Навоий ўзининг таълим-тарбия, одоб-ахлоққа бағишланган «Ҳайратул-аброр» асарида ўринсиз кулги, ортиқча сўзлаш каби ёмон иллатларни қоралайди. А. Навоий кишиларнинг зебу-зийнатлар, молу-дунё, ялтур-юлтур эмас, балки ақл-идрок, ҳаё безайди, деб ёзади.

Шунинг учун ҳам ақл-идрокли, одобли, камтарин кишилар ҳеч қачон дабдабали, ялтироқ кийимлар билан юрмаганлар. Улар доимо оддий, озода, ихчам ўзига мос хушбичим, шу билан бирга ҳар бир фаслга мос кийим кийганлар. Кийган кийимларини асраб-авайлаб сақлаганлар. Улар ўз одоблари ақлу заковатлари, билимдонликлари билан шу кийимларни безаганлар. Донолар хорижий кийимларни киймай, ўз миллий кийимларни кийганлар. Тарбияли киши қаерда бўлмасин, нима қилмасин, ўзининг юриш туриши, тартибли кийиниши билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлади.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017й.
2. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича беш ташаббус. - Т.: “Сиёсат”, 3 апрель 2019 йил.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 й.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори. – Т., 1997 й.

5. А.Навоий «Ҳайратул-аброр». - Т.: Фан.1997 й.
6. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан. 1990 й.
7. Фармонова Музайямхон “Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси”. Тошкент, Тасвир нашриёт уйи. 2020.
8. Худойқулов Х.Ж. “Миллий ғурур-маънавий комиллик мезони”. - Т.: Дзайн-Пресс. 2011.
9. Худойқулов Х.Ж.Комил инсон фазилатлари. – Т.: Таълим нашриёти. 2020 й

**Махмудов Мухаммадяхёхон Махамматхон ўғли**
**(Ташкент, Узбекистан)**

## ИМОМ АБДУЛҲАЙ ЛАКНАВИЙНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ ҲАҚИДА

Салафи солиҳларнинг замоналарида китоблар ноёблиги жиҳатидан талабалар илмни устозларнинг “оғизлар”идан олардилар. Шунинг учун ҳам, бир устоздан иккинчи устозга бориб илм олишга қизиққан ва одат тусига кирган иш эди.Устозлар ҳам ҳузурларига келган талабаларга энг саҳиҳ ва тўғри маълумотларни оғзаки таълим берар эдилар. Бир муддатдан кейин бошқа устозга жўнатар эдилар. Талабалар ҳам кўп устозлардан маълумотларни йиғишликка шошилар ва қизиқар эдилар. Натижада олимлар илмларининг савияси кўп устоз кўрганликларида бўлар эди. Китоб ёзишлар ва босмахоналар ривожлангунча илм олиш ва бериш ҳолатлари юқоридагидек давом этди. Ҳар хил мавзуда китоблар ёзилгандан кейин талабалар китобларга суяниб бир устозни ҳузурида кўп китобларни кўриб чиқишга одат қилдилар. Шундай қилиб, талабалар бир-икки устозни ҳузуридаги зарурий китобларни тамом қилиб шариат масалаларига олим бўла бошладилар, ҳуллас, аксар илм олиш йўли шу тарзда бўладиган бўлди.

Имом Лакнавий ҳам китоблар кўпайган даврда туғулиб мутааххир олимларнинг илм олиш услубларида илм ҳосил қилганлар. Шунинг учун ҳам Лакнавийнинг устозларини бармоқлар билан санашни имконияти бордир. Лекин бу устозларнинг озлиги Лакнавийнинг илм савияларининг пастлигига далолат қилмайди. Балки имомимизни илмда ва таълийму таснифдаги ҳизматлари бу зотни қанақа мақомда эканликларига очиқ-ойдин ишора қилади.

Лакнавий устозларининг энг аввалида турадиган шахс оталари бўлиб Лакнавийнинг илму маърифат соҳиби бўлишларида ниҳоятда таъсирлари беқиёсдир.

Лакнавийнинг қиблагоҳлари Аллома Муҳаммад Абдулҳалим ибн Муҳаммад Амин ибн Муҳамммад Акбар ал-Ансорий ал-Лакнавий дурлар. Бу зоти шариф ҳижрий 1239 йили Лакнав шаҳрида таваллуд топдилар. Ўн ёшга етганларида Қуръони каримни тўла ёдлаб тугатдилар. Кейин сарф ва наҳвга доир китобларни оталарида ўқиб илм таҳсилига киришдилар. Шайх Абдулҳалимнинг оталари ҳижрий 1253 йили вафот қилганларида илмни оналари томонидан боболари Мавлоно Муҳаммад Зуҳуруллоҳ ва оталарининг амакиси Муҳаммад Асғарларда давом қилдилар. Риёзиёт илмларини тоғалари муфтий Неъматуллоҳ (ҳижрий 1290-йили вафот қилган) ва амакилари муфтий Юсуф ибн Муҳаммад асғар (ҳижрий 1286-йилда вафот қилган) лардан

# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

LV Международная научная конференция
26-27 января 2021 г.

ВЫПУСК 1(55)

Ответственность за новизну и достоверность результатов научного исследования несут авторы

Ответственный за выпуск: Водяной О.
Дизайн и верстка: Вовкодав А.

Учредитель: ОО "Институт социальной трансформации"
свидетельство о государственной регистрации №1453789 от 17.02.2016 г.

Подписано к печати 04.02.2021.
Формат 60x84 1/16.
Тираж 300 шт. Заказ №042
Изготовитель: ФЛП "Кравченко Я.О."
свидетельство о государственной регистрации В01 №560015
Адрес: 03039, Украина, Киев, просп. В. Лобановского, 119
тел. +38 (044) 561-95-31

Адрес ред. коллегии:
08400, Украина, Киевская обл., г. Переяслав,
ул. Богдана Хмельницкого, 18
тел.: +38 (063) 5881858
сайт: http://iscience.in.ua
e-mail: iscience.in.ua@gmail.com

